Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 20 февраль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 14 (7108)

**Da'vat**

**Агар ақлли бўлишни истасанг, ҳикмат ўргангилки, ақл ҳикмат билан камол топади.**

**КАЙКОВУС**

**Ibrat**

**Кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар билан бепул таъминлашда Тўрткўл туманидаги ҳомий ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, ана шу савоб ишлар учун «Баракат» ҳиссадорлик жамияти (раиси К. Бўзов) 60 минг сўм, «Шохруҳ» деҳқон-фермер хўжалиги (раиси О. Аҳмедов) 25 минг сўм, «Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти-пахта заводи (директори Р. Кувондиқов) 20 минг сўм маблағ ажратдилар.**

## JUMLADA JAHON

**• 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.**

**(ЎзА)**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)нинг Молия ва хусусий секторни ривожлантириш департаменти директори Лаёш Бокрос раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

**• Тошкентда 1999 йил 16 февралда содир этилган фожеали воқеалар муносабати билан идоралар, муассасалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, хайрия ташкилотлари, фуқаролардан шаҳид кетганлар оилалари ва жабр кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирганлар учун «Ўзуйжойжамғармабанк» давлат акциянерлик банкининг Меҳнат бўлимида махсус хотира ҳисоб рақами очилди:**

**20204000300101163002,**
**МФО 00423**

**• Курд ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ўжолан Кенияда қўлга олиниб, Туркияга келтирилди.**

**• Буюк Британия ҳукумати Косоводаги қарама-қаршиликларга аралашишни кўзловчи экстремистик гуруҳларни тайёрлаш ва қуроллантиришга ёрдам кўрсатишни таъқиқлашини маълум қилди.**

### БУЮК БРИТАНИЯДАН МАКТУБ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, юртимиздан узоқда – Буюк Британияда таълим олаётган талабалар ушбу мурожаатномани Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистонимиз халқига етказмоқчимиз.

16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар бизни бир тарафдан даҳшатга солган бўлса, бошқа тарафдан ғазаблантирди.

Биз, бугун мустақиллигимизнинг деярли саккиз йиллиги арафасида юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилганлигига гувоҳмиз. Афсуски, халқимизнинг бозор иқтисодиётини барпо этиш ва демократлаштириш йўлида эришган ва эришаётган ютуқларига ғараз кўзи билан қаровчи ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас.

Биз, чет элда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар шуни чуқур англаймизки, Ватанимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар, давлатчилигимизнинг қайта тикланиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши — ҳаммаси бевосита Сизнинг шахсингиз билан боғлиқдир. Бизни янада ранжитгани тараққиётимиз ва осойишталигимиз душманларининг айнан Ўзбекистоннинг бугунги барқарорлиги ва тинчлиги гарови бўлмиш Сиз, ҳурматли Президентимиз ҳаётига суиқасд қилмоқчи бўлганидир.

Халқ томонидан сайланиб, айни шу халқнинг манфаати йўлида жон куйдираётган Юртбошимиз ҳаётига суиқасд уюштириш – бутун Ўзбекистон халқига душманлик қилишдир. Ишончимиз комилки, бу ёвуз қилмишни содир этган жиноятчилар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилади.

Биз мудҳиш воқеа туфайли қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирамиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилиб, уларнинг барчасини Сизнинг атрофингизда жипслашиб, Сизга қанот бўлиб, танлаган йўлимиздан оғишмасликка чақирамиз.

Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ҳақ Таолодан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва бундан-да буюк ишларни амалга ошириш йўлида куч ва қувват сўраб қоламиз.

**Сардор УМУРЗОҚОВ,**
**Лочинбек САМАТОВ,**
**Шохруҳ ШОРАҲМЕТОВ,**
**Зафар КАРИМОВ,**
**Баҳодир НИЁЗОВ.**

# ХАЛҚНИНГ ЮРАГИГА ОТГАН КАБИ ЎҚ!

*Айлаб бир нечанинг толейин қаро,*
*Қора тутун ўрлаб мунгли, ғамсаро,*
*Шаҳидлар руҳининг бўлиб гувоҳи,*
*Недур марҳумларнинг айбу гуноҳи?!*
*Халқ қаҳру ғазаби қайнади ғоят,*
*Аллоҳим, айлагил ўзинг ҳидоят!*
*Наҳот Юртбошига суиъқасд эрур?*
*Наҳот ғаддор қотил бунча паст эрур?*
*Халқнинг юрагига отган каби ўқ,*
*Ишонч тоғимизни этмоқчими йўқ?*
*Кимдир ул мухолиф ёки мужоҳид?*
*Ниятига етмас, яратган шоҳид!*
*Халқ севган раҳбарин асрагай жондан,*
*Ватанни севгандек дину иймондан!*
*Буюк ўзбек халқи бахтига доим*
*Сизни паноҳида тутсин Худойим!*
*Халойиқ тўпланган бир машваратда,*
*Дедингиз, «бўлса гар оғушим катта,*
*Сизнинг барингизни суйиб, ардоқлаб,*
*Бағримга босардим қаттиқ қучоқлаб!»*
*Лутфу меҳрингизга Сизни хитобан,*
*Эл меҳри олқиши янграб жавобан,*
*Қиз-жувон, онахон, бахтли аёллар,*
*Навқирон йигиту оқосоқол чоллар,*
*Ишонч-ла қутлашиб ҳамда божуръат,*
*Дейишди юракдан айлашиб ҳурмат:*
*«Илоҳо, доим бахт қуёши бўлинг,*
*Бизларга бир умр Йўлбоши бўлинг!»*
*Маърифат кўзини очган ўзингиз,*
*Эл учун шиордир ҳар бир сўзингиз:*
*«Элим деб, юртим деб, ёниб яшашга»,*
*Эл билан ҳамоҳанг қадам ташлашга,*
*Сиздан ибрат олиб ҳар бир фидокор,*
*Юртим деб ҳаттоки ўлишга тайёр!*

**Олимжон БЎРИЕВ**

## ШИОРИМИЗ ЯКДИЛЛИК

16 февраль куни Тошкентда содир этилган портлашлар қабиҳ, ўтакетган мараз, ичи қора кишиларнинг ишидир. Ҳатто, мен уларни халқ душманлари, дегим келади. Бу нохуш воқеадан сўнг мактабимизда митинг ўтказдик. Жамоамиз бу воқеадан ваҳимага берилгани йўқ. Аксинча, тартибсизлик қилиб кўплаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган истиқлол душманларини қоралайдилар, уларни лаънатлайдилар. Бу тажовуз нафақат давлатимиз раҳбарининг жонларига, балки халқимизга, мустақиллигимизга қилинган тажовуз, дея баҳолайдилар.

Бу ишнинг бошида турган қора ниятли кишилар ёвуз мақсадларига ҳеч қачон эриша олмайдилар. Биз ушбу воқеадан сўнг юртбошимиз теварагига тобора маҳкамроқ жипслашиб, у киши бошлаган барча хайрли ишларни астойдил давом эттираверамиз. Жамиятнинг илғор вакили сифатида биз ўқитувчилар халқимиз орасига янада чуқурроқ кириб бориб, Президентимиз фармонлари, ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмалари, меъёрий ҳужжатларини омма орасида кенг тарғиб этаверамиз.

**Муҳаммад АБДУВОҲИДОВ,**
**Иштихон туманидаги 43-ўрта мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси**

## ИШОНЧИМИЗНИ СЎНДИРА ОЛМАЙДИ

1999 йил 16 февраль куни Ватанимиз пойтахти Тошкентда содир бўлган воқеа мактабимиз жамоасининг ғазабини келтирди. Бир гуруҳ қабиҳ ниятли кишилар юртимиз ҳаётига, шу билан бирга бутун давлатимиз сиёсатига таҳдид солмоқчи бўлдилар.

Машҳум воқеанинг эртаси куни мактабимиз педагог ходимлари ва ўқувчилар жамоаси томонидан воқеа кенг таҳлил этилиб, бўлиб ўтган террористик ҳаракатга нисбатан фикрлар билдирилди.

Жамоамиз якдиллик билан юртбошимиз И.А. Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатни қўллашларини, мустақил давлатимизнинг дадил қадамлар билан олға бораётгани, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширилаётганлигига доимо ҳамжиҳатлик билдирадилар. Душман ва экстремистлар бу ҳаракатлари билан бизни қўрқита олмайдилар.

Жамоамиз Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»ни амалда тадбиқ этиш, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва чуқур таълим бериш учун куч-ғайратларини аямасликларини таъкидладилар.

Қисқаси, ёвуз кучлар бизнинг буюк келажакка бўлган ишончимизни сўндира олмайди.

**М. БАТУРОВА,**
**Бухоро шаҳаридаги 6-умумтаълим мактаби директори**

**Munosabat**

## ЖАСОРАТ САБОҒИ

Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари Тошкентда Президентимизга нисбатан уюштирилган суиқасдни эшитиб ғазабландилар. Бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилганидан афсусландилар. Хўш, бу разиллик ижрочилари кимлар, уларнинг ортида турган буюртмачилар-чи? Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларимиз бу масаланинг негизига етиб боришлари шарт.

Юртбошимиз воқеалар содир этилган жойларга бориб юрганини кўриб, мард, қўрқмас, довюрак Президентимиз борлигидан мағрурландик. Бу жасорат, бу довюраклик бизга ҳам кўчди.

**Ҳабибулло МЕЛИБОЕВ,**
**Наманган вилояти Норин туманидаги 5-ўрта мактаб директори**

* * *

Шу йил 16 февраль куни Тошкентимизда содир этилган бузғунчилик ташкилотчилари биз кексаларнинг жойнамоз устидаги дуоларимиз оқибатида азобларга учраб балоларга гирифтор бўлишига имоним комил. Худо бехабар, мусулмончиликдан йироқ кимсаларгина шундай разил ишларга қўл урадилар. Юртбошимизнинг оташин сўзлари янграганда кексалар дуо қилиб, ёшлар куч-ғайратга тўлиб руҳ олади.

Ислом Каримовдек қўрқмас Президентимизни, аҳил халқимизни бундай номардликлар ҳеч қачон чўчита олмайди.

Миллатимиз ғурурини, унинг тарихий қадриятларини тиклаган, халқимизга иқбол ва гўзал ҳаёт бахшида этган элбошини худо ҳамиша ўз паноҳида асрагай.

**Ғаффор АҲМЕДОВ,**
**Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчасида яшовчи меҳнат фахрийси.**

* * *

## МИЛЛАТЛАР БИРЛИГИНИ БУЗОЛМАЙДИ

Бу воқеалар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига ўзига хос овоз билан кириб, катта шуҳрат қозонишини, мустақил давлат сифатида танилаётганлигини айрим кимсаларнинг кўролмаслиги оқибатидир. Шунингдек, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган ниҳоятда одилона, адолатли ички ва ташқи сиёсатига қарши зарба бериб, унинг обрўсини тушириш учун экстремист кучларнинг атайлаб қилган террорчилик ҳаракатларидир.

Биз, оддий бир қозоқ халқининг фарзандлари, юртбошимиз юргизаётган сиёсатини, республикамиз равнақи ва ривожланиш йўлларини кўриб, ундан олам-олам завқланаётган халқмиз.

Юртимиздаги барқарорлик ва осойишталикни кўролмаётган ичи қора, мансабпараст, ёвуз ниятли баъзи бир кимсаларнинг ножўя ишлари бизни ниҳоятда нафратлантирди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини Президентимиз атрофида яна ҳам жипслашиб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига, ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга даъват этамиз.

**Қолдибек СЕЙДАНОВ,**
**Қозоғистон Республикаси гуманитар Фанлар академияси академиги**

* * *

## ОСОЙИШТАЛИК – БЕБАҲО БОЙЛИК

Мен – мурғак қалбларни тарбияловчи мураббийман. Виждонан айтаманки, ҳозирги Ўзбекистон ёшларига, унинг келажагига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳеч жойда йўқ.

Биз Тошкентда содир этилган нохуш воқеадан ларзага тушдик. Лекин юртбошимиз айтганларидек, биз ҳеч қачон саросимага тушмаймиз. Чунки бизнинг келажакка ишонч билан қарайдиган содиқ Президентимиз бор.

Ёвуз ниятли қўпорувчи кучлар юртимиз аҳолисини ваҳимага солиш, барқарор ҳаётини издан чиқариш ғояси билан чиққан эканлар, биз ҳам унга қарши жипслашган ҳолда ҳаракат қилсак, бизга ҳеч қандай куч хавф сололмайди.

**Раъно СОҚИЕВА,**
**Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасига қарашли 484-болалар боғчаси тарбиячиси**

**Ўқитувчи ён дафтарига**

## КЎК РАНГ ИШҚИБОЗЛАРИ

**Польшалик мутахассислар қизиқ бир тажриба ўтказишди ва шундай хулосага келишди: товуқбоқарлар товуқхонага тўқ кўк рангли кийимда кирганлари маъқул. Боиси, етти хазинанинг бири ҳисобланган жониворлар шу рангни севишар экан. Шунингдек, олимлар товуқ, ғоз, ўрдак ва курка боқувчиларга тўқ сариқ, қора ва жигарранг кийимлардан фойдаланмасликни тавсия этишди.**

## ҲАШАРОТЛАР ОЛАМИ

**Умуртқасизлар ичида фақат ҳашаротлар синфи вакилларигина уча олишади. Бугунги кунда, фанда тўла ўрганилган ҳашаротлар сони 1 миллион бўлса, ўрганилмаганлари 2 миллионга яқиндир. Ҳайвонот оламининг 70 фоизини ташкил этадиган ҳашаротларнинг айримларигина (ипак қурти, асалари, кошенилсимонлар, трихограммалар) хонакилаштирилган. Улардан ипак, асал, прополис, кармин (бўёқ), лак ва бошқа хил саноат маҳсулотлари олинади.**

## ТИББИЁТ ТАРИХИДА

**Инсоният пайдо бўлибдики, турфа хасталиклар билан курашиб келади. Қарангки, ясама оёқ тарихи ҳам қадимга бориб тақалар экан. Ҳозирда Британия музейида сақланаётган ясама оёқни мутахассислар, эрамиздан аввалги III асрда яратилган, дея таъкидлашади. Бизгача сақланган бу энг кўҳна «оёқ» тутдан ясалган бўлиб, ёғоч таёқча билан жипслаштирилган.**

## ИЗОҲЛАШГА ОЖИЗ

**Бразилиялик 76 ёшли Кордейрада Сильва ёшлигидан буён ҳеч нарса емайди ва ичмайди. Ҳаёти давомида икки бор уйланган ва 3 боланинг отаси бўлган бу одамнинг синоати барчани лол қилмоқда. Врачлар ва тадқиқотчилар Сильвадаги бу мунтазам очлик жараёнини бирон нарса деб изоҳлашга ожизлик қилмоқдалар.**

**Jarayon**

# КЎНГИЛЛАР ОЙНАСИ БУТУН

16 февраль куни содир бўлган мудҳиш воқеа сабабли пойтахтимиздаги бир неча мактаб бинолари ҳам қисман зарар кўрган эди. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасидан олинган хабарга кўра, асосан портлаш тўлқини таъсирида дераза ойналари синган. Ўша куннинг ўзидаёқ таълим муассасаларида махсус гуруҳ томонидан тузатиш ишлари бошлаб юборилди. Тез орада бу мактаблар ўз ўқувчиларини яна ўз бағрига олди. Тошкент шаҳридаги барча ўқув муассасаларида ўқув-тарбиявий ишлар ўз маромида давом эттирилмоқда.

Ёвуз ниятли ғанимлар томонидан уюштирилган ушбу ҳодисадан сўнг бўлиб ўтаётган йиғилишларда, митингларда ёшларимиз ўз Ватанларига содиқ, билимдон, мустақил фикрли шахс бўлиб етишишлари йўлидан уларни ҳеч ким, ҳеч қандай йўл билан чалғита олмаслигини қатъий таъкидлашмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, болалар онгида бўлаётган ижобий ўзгаришларни, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига янгича фикр, дунёқараш-ла шиддат билан қўшилиш жараёнини ҳеч бир куч тўхтата олмайди.

**МУХБИРИМИЗ**



**Olimpiada - 99**

# СИНОВДАН ЭНГ САРАЛАР ЎТАДИ

Шу йилнинг 22-27 март кунлари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ўқув фанлари бўйича республика олимпиадаси бўлиб ўтади. Бу муддат чоршанба куни РТМда бўлиб ўтган умумтаълим фанлари олимпиадасини ўтказувчи Республика ташкилий қўмитаси йиғилишида расман маълум қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очиб, барча таълим муассасалари ходимларини пойтахтда юз берган ёвузликдан ҳеч саросимага тушмасликка, ишларни режа асосида давом эттиришга, зарар кўрган мактабларга тезкор ёрдам уюштиришга чақирди.

Сўнгра РТМ директори муовини Н. Турдиев кун тартибидаги биринчи масала III босқич вилоят олимпиадалари натижалари юзасидан ахборот берди. Маърузачи III босқич вилоят олимпиадалари натижаларини таҳлил қилар экан, жараёнда учраган ютуқ ва камчиликларни ҳам батафсил баён этди. Масалан, Қашқадарё вилоятида тест саволлари нисбатан содда тузилган. Ёки Жиззах вилояти туманларида 9-10-синф ўқувчилари 11-синф олимпиадасида қатнашишга ҳаракат қилганлар. Хуллас, III босқич вилоят ғолибларининг иши экспертизадан ўтказилди. Ҳозир IV босқич Республика олимпиадасига тайёргарлик бошлаб юборилди.

Умумтаълим фанлари бўйича IV босқич Республика олимпиадасига тайёргарлик ҳақида Республика Таълим Маркази директори Гуландон Алимованинг ахбороти тингланди. Айни кунда ташкилий қўмита аъзолари тайёргарлик ишларини бошлаб юборганлар. Олимпиадани ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, синовлар тўлиқ компьютерларда ўтказилади, олимпиада топшириқлари, албатта, мураккаб бўлади. Гап шундаки, синовларга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилиши зарур. Мазкур баҳсларда умумий ўрта таълим мактаблари иқтидорли ўғил-қизлари қаторида лицей ўқувчилари ҳам иштирок этадилар.

Йиғилиш сўнгида таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди, ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳи аъзолари вазифалари белгилаб олинди.

**МУХБИРИМИЗ**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Куни кеча юртимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида, кўз олдимизда юз берган, ўз бошимиздан ўтказган даҳшатли воқеа қалбларимизни қаттиқ ларзага солди. Тинчлик ва осойишталик барчамиз учун нақадар буюк неъмат эканлигини, уни доимо асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Террорчи гуруҳларнинг бу ҳатти-ҳаракати нафақат Президентимизга, балки мустақил давлатимизга, тинчликсевар халқимизга, ўз йўлини тўғри танлаб олган ёш авлодга қарши қаратилган мудҳиш жиноятдир. Тўғри, улар ўзларини кимлигиларини кўрсатиб қўймоқчи, одамлар юрагига қўрқув, ғулғула солмоқчи бўлдилар. Аслида эса, ўзларининг қанчалик ваҳший ва разил эканлигини намойиш қилдилар ва бутун халқнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлдилар.

Биз мустақил диёримизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар раҳнамоси бўлган Президентимизга ишонамиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизнинг бугунги кунда олиб бораётган сиёсати мамлакатимизни янада гуллаб-яшнашига, халқимиз фаровонлиги ошишига, ёш авлоднинг бахтли келажакка эришишига олиб келади. Айниқса, бугунги кунда ёшларимизга кўрсатилаётган алоҳида эътибор, ғамхўрлик, уларнинг етук инсон бўлиб етишишлари йўлида яратилаётган имкониятлар, очилаётган янги-янги коллежлар ва академик лицейлар бизга тўғри, прогрессив йўлдан бораётганимизни кўрсатиб турибди. Экстремистик гуруҳларнинг мақсади ҳам, улар танлаган йўлнинг пировардида ҳам аён. Узоққа бормайлик, қўшни Тожикистон ва Афғонистон давлатларида юз бераётган хунрезликларни кўз олдимизга келтириш кифоя. Улар танлаган йўл ҳам худди шунга олиб келади. Тожик ва афғон халқлари бошига тушаётган кулфатлар ҳеч қачон бизнинг бошимизга тушишига йўл қўймаймиз.

Маълумки, баъзи бир ёшларимиз мана шундай ёвуз ниятли кишилар, турли экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб, алданиб қолмоқдалар. Ўз мустақил фикрига эга бўлмаган бу ёшлар ўзлари тушунмаган ҳолда Ватанини, миллатини, халқини, қолаверса, келажагини бир сиқим пулга алмаштириб қўймоқдалар.

Инсон, аввало, оилада шаклланади. Шунинг учун фарзандлар тарбиясини оиладан бошлаш лозим. Дунёда она сўзи, она даъватидан кучлироқ куч йўқ. Ҳар қандай фарзанд она олдида бош эгади, онанинг ҳукмига буйсунади. Аёл, она дунёни яратган экан уни сақлаб қолишга ҳам қодир. Бас, шундай экан, барча ёвуз кучларга қарши бирлашишимиз даркор. Мен барча Ўзбекистон аёлларига, оналарига мурожаат қиламан. Дунёда аёл учун фарзандини, турмуш ўртоғини, ака-укасини соғ-саломат кутиб олишдан ортиқ бахт йўқ. Фарзандларимизни зинҳор душманларимиз таъсирига тушиб қолишларига, нотўғри йўлларга кириб кетишларига асло йўл қўймайлик. Уларнинг ҳар бир ҳаракатига кўз қулоқ бўлиб, мустақил давлатимизга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялайлик. Зеро, бу бўлиб ўтган воқеалар бошқа ҳеч қачон такрорланмасин.

Президентимиз атрофида янада жипслашиб, тинчлик иши учун ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшайлик.

**Мавлуда НИШОНОВА,**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази бош мутахассиси**



*Самарқанд вилоятидаги ўқувчилар санъат маркази қошида ўймакорлик тўгараги фаолият олиб боради. Унда ўқувчилар ҳунар сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Суратда: тўгарак аъзоси Юлдуз Нишонова ўз иши билан.*

Р.Альбеков олган сурат.

1999 yil — Ayollar yili

# ВАТАНИМ — ОНАМ!

Қуш уясида кўрганини қилади, деган ҳикмат бор. Боланинг ким бўлиб камол топиши, аввало, хонадонга, ота-онага боғлиқ. Тарбияси соғлом нав-ниҳолнинг фикри ҳам соғлом, тиниқ бўлади. Ҳамма нарсанинг асоси тарбия ва меҳнатдир! Оллоҳ томонидан инъом этилган ғанимат умрнинг ҳар лаҳзасини зое кетказмаслик даркор. Бунинг учун, аввало, ота-онанинг шахсий ибрати, намунаси керак. Шу ҳолатни эътиборга олган катта ёшлилар ҳар ерда ўзларини одоб-аҳлоқ доирасида тутиб, яхши томондан кўрсата билишлари талаб қилинади. Шундагина фарзандлар ҳар бир нарсага янгича қарайдиган, янгича фикр ва мулоҳаза юритадиган бўладилар. Янгича яшашга кўникма ҳосил қилиш ҳам шундан бошланади. Ота-онага, Ватан ва жамиятга, Ватан ва қуни-қўшни, маҳалла кўйига, устозга нисбатан меҳр-шафқат, ҳурмат, муҳаббатнинг нечоғлик бўлиши ҳам яна тарбияга бориб тақалади.

Дарвоқе, Она билан Ватан эгизак, улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига мадад беради. Бу улуғ ва муқаддас ном, бу эзгу туйғу ҳеч қачон эскирмайди. Аксинча, янгиланиб, ўзгача обрў-эътибор, ўзгача аҳамият касб этаверади. Ўз навбатида комил фарзанд икки онага баробар хизматда бўлиб, улар қадр-қимматини ошираверади. Бунга ҳурматли Президентимизнинг янги, 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилиши ёрқин мисолдир.

Аёл — она. Авлодлар бардавомлигини таъминловчи, фарзандларни камол топтирувчи, хонадонни обод қилувчи бир мўъжиза, тенгсиз таянчдир! Оиладаги тинч-тотувлигимиз, меҳр-оқибат, қолаверса, хотиржамлигимиз — ҳаммаҳаммаси оналар, аёлларга боғлиқ. Улар нафақат волида, севикли ёр, зукко ва билимдон мутахассис, машҳур олима ва шифокор, атоқли давлат ва жамоат арбоби, етук санъаткор, тадбиркор, энг муҳими, меҳри дарё, кўкси осмон она! Ота-онани рози қилсак, биздан яратган ҳам, жонажон юрт, эл-элат ҳам рози бўлади.

Бобо ва момолар алқаб, дуога қўл очадилар. Умринг узоқ ва олганинг олтин бўлсин, дея тилак билдирадилар. Олтин олма - дуо ол, дуо олтин эмасми, дейдилар. Дуо кўкартиради. Ватан, ота-она қадрига етмаган ноқобил фарзанднинг эса икки дунёси куйиб кетади. Ундай кимсадан нафақат замин, балки ҳар қандай инсон жирканади.

Яқинда бир дўстим билан суҳбатлашиб қолдик. «Танти» бойваччалардан бири уларнинг маҳалласидан 25 минг долларга ҳовли жой сотиб олибди-да, ўша куниёқ икки бульдозерни қўйиб, сурдириб ташлабди. Одамлар эссиз иморат, дея ачиниб қолишибди. Қисқаси, орадан бир ой ўтар-ўтмас уч қаватли кошона қад ростлабди. Ҳалиги бойвачча эса, ҳар куни эрталаб, кечқурун дарвоза ёнида қўлларини биқинига тираб, ҳа, бопладимми, дегандек керилиб, сигарет тутатиб турар экан. Бу ношукурлик. Элу - юртга ҳурматсизлик. Энг даҳшатлиси, она-ерни топташ эмасми? Донишмандларнинг бири, э, нодон кимса, оёғингни секин, билиб бос, ҳар бир пойинг остида минг-минг зукко инсонлар, подшоюю фуқаролар абадиятга бош қўйган, дея огоҳлантирса, иккинчиси, жуда ҳаддингдан ошиб, оқу қоранинг фарқига етолмай қолдинг, қабристонни бир айланиб чиқ, шунда шояд ўзингга келиб қолсанг, дея маслаҳат берган экан.

Дарҳақиқат, она-замин ўта саҳий. Бағри кенг, ҳам жуда тор. Инсон кўнгли ҳам шундай, керак бўлса унга бутун жумлаи жаҳонни сиғдириш мумкин, йўқса, қил ҳам сиғмайди!

Ҳеч қачон инсоннинг кўзини ёғ босмасин, оёғи ердан узилмасин. Мабодо шундай аянчли ҳол юз берса, ўша кимса барча одамийлик фазилатларидан маҳрум бўлади, элу-юрт қаҳр-ғазаби, қарғишига учрайди. Унинг на ейиш-ичиши, ётиш-туриши, яшашида ҳаловат қолади. Ҳаёти бутунлай издан чиқиб, маънавий қашшоқ манқуртга айланиб қолади. Ҳатто она-замин қучоғидан бир қулоч жой беришни ҳам дариғ тутади.

Маълум маънода она-замин инсон боласини ўзи яратади. Ўзи боқиб, ўзи камол топдиради ва, ниҳоят, яна ўзи бағрига олади. Бу ерда ҳам замин она мисол хизмат қилади. Лекин, бир нозик томонини ҳам асло унутмаслик лозим. Ҳаммага ҳам она ер қучоғига бош қўйиш насиб этавермайди. Ватани, киндик қони тўкилган гўшага етиша олмай, узоқ ерларда жасади қолиб кетган, не-не инсонлар ҳам йўқ эмас. Фалакнинг гардиши ила ўзга юртларга кетиб қолган айрим ватандошларимиз умрининг адоғида ўз хилхоналари — авлод-аждодлари абадий макон топган табаррук заминга етишолмай армон қиладилар. Уларнинг бирдан-бир орзу-ниятлари ҳам ўз юртларида паноҳ топишдир. Акс ҳолда, бу армонли дунёда кўзлари очиқ, афсусда кетадилар.

Она-Ватаним, азиз ва ардоқли юртим, бағрингга Истиқлол шамоли тегиб, кўксинг осмон, қаддинг сарбаланд бўлди.

Энди қаддингни кериб, бутун бўй-бастингни кўрсатадиган, кўз-кўз қиладиган пайтинг келди! Шундай омадлисанки, ҳатто момоларимиз алла айтганда бобо қуёш ҳам эриб, тафтини саҳийлик билан сочаётир. Садоқатли фарзанд сифатида орзу ниятимиз шуки, байроғинг бутун жаҳон узра мағрур ҳилпирасин, мадҳинг садолари оламни тутсин. Фарзандларинг довруғи дунёни тутсин.

**Мели НОРМАТОВ,**
**ёзувчи, филология фанлари номзоди**

Xullas...

### ПОЛИЦИЯЧИЛАР КОНЬКИДА

Калифорнияда йўл полициячилари оёқларига ғилдиракли конькилар тақиб олишади. Бу серқатнов кўчаларда уларнинг осон ҳаракат қилишларини таъминлайди. Конькида туфли ёки ботинкага нисбатан тез, қисқа вақтда кўп жойни босиш мумкин. Бундан ташқари, коньки жиноятчиларни кузатиш, кетидан қувишда ҳам қўл келади.

### ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК

Афғонистон чўлларида аскарлар брезент палаталарда яшашади.

Биласизки, чўлда илонлар кўп.

Аскар ошпаз ошхона атрофида илон болалари юрганини сезиб қолди. Уларни ўлдиришга кўнгли бўлмай, аскарлар овқати билан талай кунлар боқди. Вақт ўтиши билан бу ерга она кобра «ташриф» буюрди. Илон вишиллаб, оралиқ масофани сақлаб турарди.

Аскар овқат қолдиқларини чиқариб ташлаш учун ошхонадан ташқарига йўналди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида она илон «кулча« бўлиб ётарди. Бундай ҳолатда тезкор ҳаракат қилиш мумкин эмас. «Шўрим қуриди» деб ўйлади ошпаз. Аста-секин ичкарига сурилса, илон ҳам унга ҳамла қиладигандек, йўл бермас эди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Олишув бир неча соатгача давом этиб, илон аскарнинг илгарилашига имкон бермади. Шу тарзда у «душмани»ни лагердан анча узоқлаштириб юборди. Одам ва ваҳший ҳайвон ўртасидаги тўқнашув тун бўйи давом этди десак, ишонаверинг.

Тонг отиб, атроф ёриша бошлаганда, илон ўз «рақиби»га йўл бергандай билангглаб, нари кетди. Ҳолдан тойган шўрлик аскар бу воқеани сафдошларига айтиб беришга ошиқиб, лагерга чопиб келди. Минг афсуски, ўша тунда лагерга душманлар ҳужум қилишиб, аскарларни қон қақшатиб, асир олиб кетишган эди.

Бу шунчаки воқеа эмас... Илон ўз болаларига кўрсатган яхшилиги учун аскарга миннатдорчилик изҳор қилди, шекилли...

### ЖАКОНДАНИ ДОҒДА ҚОЛДИРМОҚЧИ...

Унинг исми Орлан. Парижда истиқомат қилади. Бир неча йил аввал шаҳардаги олий диний курс тингловчиси эди. Ҳеч қачон мини юбкада юрмаган. Эркаклар билан кўзи тўқнашса, қизариб-бўзариб кетарди. У одамларни ўзига жалб қилишнинг бирдан-бир йўли санъат эканлигини англаб етди. Шундай қилиш керакки, ҳамма унга мафтун бўлсин!

Машҳурликка у ўзининг танаси хизмат қилишини яхши англарди. Шу тариқа у компьютер ёрдамида мукаммал аёл қиёфасини яратишга киришди. Қизгина неча минг йиллик аёл гўзаллиги яратилган дунё асарларидан нусха олиш истагида. Масалан, Венера Милосскойнинг бел қисми, Жаконданинг лаби, Данан Тициананинг кўкраги, Мадоннанинг бурнидан синтез эталон сифатида фойдаланмоқчи. Бунда пластик операцияга мурожаат қилишига тўғри келмоқда. Ҳар бир аъзо операциясини шахсан ўзи бошқариб туради. Мақсад шундай: «Йиғма аъзолардан машҳурликка эришиш».

«Дунё гўзаллик маъбудасини кўриш арафасида турибди» дейди у.

Ҳозирнинг ўзида Орланга миллиардер ва миллионерлар хайрихоҳлик билдиришиб, пулларини аяшмаяпти. Чунки бир неча йилдан сўнг бу қиз Жакондадан ҳам машҳур бўлиб кетиши мумкин-да...

Қизнинг ота-онаси уни таниёлмай гаранг. Танасининг бирон жойи йўққи, ўзгартирилмаган бўлса! Ахир, санъат соҳасида машҳур бўлиш, не бир қурбонликни талаб қилмайди, дейсиз.

ana shunaqa gaplar...

**«Маърифат» газетаси таҳририяти томонидан 1998 йил 31 декабргача штатсиз ва жамоатчи мухбирларга берилган гувоҳномалар бекор қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази жамоаси шу Марказ директори Ботир Матёқубовга онаси

**РАЖАББИБИ ҚУРБОННИЁЗ қизи**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

### УЛОҚ АЛИШЕР ЧАВАНДОЗДА КЕТДИ

**Самарқанд вилоятининг Челак туманида ўзбек ва қозоқ элининг мана-ман деган чавандозлари орият талашиб кўпкари (улоқ) чопишди. Бош соврин (11000 сўм) сурхондарёлик Алишер чавандозда кетди. «Ватанпарвар» газетаси совринини эса жиззахлик Мурод чавандоз қўлга киритди.**

### УСТУНЛИК

**Пойтахтимизда таэквондо бўйича Ўзбекистон ва Қирғизистон терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Унда юртдошларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам техник жиҳатдан анча устун эканлиги сезилиб турди ва ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди: 4:1**

### ХОТИРА ТУРНИРИ

**Футбол бўйича анъанавий «Пахтакор - 79» хотира турнири қизғин паллага кирди. Жамоалар уч (Тошкент, Фарғона, Қарши) гуруҳга бўлинган ҳолда финалга бериладиган йўлланмалар учун кураш олиб боришяпти.**

### ИШҚИЛИБ, ЮТСИН-ДА

**Эртага «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Осиё кубок эгалари кубоги» баҳсининг такрорий беллашувида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳад» жамоасини қабул қилади. Биз футболчиларимизга фақат омад тилаб қоламиз.**

### ОЛҒИР «ОШИҚ»

**Австралия очиқ чемпионатида теннис оламининг энг гўзал қизи — россиялик Анна Курникованинг ишлатаётган сочиғига бир йигитчанинг «ишқи кетди». Қўярда-қўймай совғани қўлга киритган «мухлис» уни ўша заҳотиёқ ким ошди савдосида 100 Австралия долларига пуллаб юборди.**

Maktabgacha ta'lim

## БОЛА КЎНГЛИДАГИ БОҒЧА

Ҳар бола — бир дунё. Унинг қувончлари ҳам, инжиқликлари ҳам бошқача бўлади. Баъзан ота-онасини хуноб қилиб, боғчага бормайман деб туриб олса, баъзан эрта тонгдан боғчасига отланиб, уларни ҳайрон қолдиради.

Тарбиячилар болажон, меҳрибон бўлса, кичкинтой ҳам унга меҳрли бўлади. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 148-болалар боғчасига болажонлар ҳар тонг чопқиллаб келсалар керак. Чунки, бу ерда болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат жуда юқори. Боғча мудираси Феруза Акромова бу ерда тарбияланаётган 200 нафардан ортиқ ўғил-қизни ўз фарзандидек суйиб ардоқлайди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор беради.

Болаларни тарбиялашда уларнинг дунёқарашини, характерини билмасдан туриб, ишни ижобий ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Боланинг ўз дунёқараши, фикр юритиш тарзи бўлади. Бола гул. У меҳрга, парваришга муҳтож. Баъзида оилада ота-онасидан олмаган меҳрни «боғча опа»сидан олади. Ва ҳар тонг боғчани соғиниб туради.

**- 1978 йилда ташкил этилган боғчамизда турли миллат вакиллари тарбия топмоқда. Ҳар душанба куни жамоамиз билан услубий ишларни маслаҳатлашиб, ўзаро фикр алмашамиз,** - деди боғча мудираси.

**Бундай йиғилишларда ҳар бир боланинг ички дунёси, қизиқишлари, қобилияти алоҳида муҳокама қилинади. Сўнгра ҳафта давомида маслаҳатлашилган ишлар амалга оширилади. Юқорида турли миллат вакиллари тарбия топади, деб ўтдик. Уларнинг ҳар бирида миллатига садоқат билан бирга яшаётган юрти Ўзбекистонга муҳаббат ҳисларини камол топтиришга катта аҳамият берилади. Бундай ишларда ҳар бир услубчи ва тарбиячининг ўрни бор.**

Боғчада дид билан ясалган безаклар, болаларга беғуборлик ва соддалик билан чизилган расмлар, қўлда ясалган ўйинчоқлар бисёр.

Тарбиячилар кичкинтойларга ўз меҳнатидан завқланиш, ғурурланиш туйғуларини сингдиришмоқда. Бу ерда тарбияланаётган болалар давлатимиз рамзларини, юртнинг мустақиллигини, унинг олий неъмат эканлигини билишади. Яна улар эртанги кун кишилари ўзлари бўлишларини, шу озод Ватан уларники эканлигидан фахрланишади. Ҳар тонг «Серқуёш ҳур ўлкам...» деб мадҳиямизни куйлашади.

Болаларнинг етук инсон бўлишида боғчанинг ўрни катта аҳамиятга эгалигини шундай боғчалар мисолида кўплаб учратамиз.

**Ш. МАДРАҲИМОВА**

Mutaxassis maslahati

# ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

*Халқда «Саломатлик — туман бойлик» деган нақл бор. Биз баъзида соғлиғимизга етарлича эътибор бермаймиз ва натижада бирор бир касалликка чалинамиз. Ўлкамизда қиш фасли ҳукмронлик қилаётган бўлса-да, сахий қуёш ҳам нурларини аямай сочмоқда. Худди шундай кунлар кишилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади ва ҳар-хил юқумли касалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бугунги кунда нафақат шифокорларни балки ҳаммани ташвишга солаётган касаллик «грипп», уни келтириб чиқарувчи омиллар, грипцдан сақланиш қоидалари ҳақида 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонаси консултатив-ташхис маркази бўлим мудири, олий тоифали шифокор Жаннат Ҳайдаровадан қуйидагиларни билиб олдик:*

Грипп ва гриппга ўхшаш касалликлар юқумлидир. Бу касалликлар тўғрисида кишилар тушунчага эга, лекин кўпинча улар касалликни олдини олиш ва даволашга етарлича аҳамият бермайдилар. Бунинг натижасида ҳар йили мамлакатимизда кўпчилик аҳолиси, ер шари аҳолисининг 20%га яқини касалланади.

Грипп мамлакатлар иқтисодиётига зарар етказиш билан бирга, коинот сарвари бўлган инсон саломатлигига ҳам жиддий путур етказади. Бунинг асосий сабаби юқори нафас органларининг тез-тез шамоллашидир. Чунки одамлар қиш фаслида очиқ ҳавода кам бўладилар.

Гриппни тарқатувчи — вируслар (ўта майда микроблар) соғлом одамларга касаллик билан оғриган беморлар билан гаплашганда, беморлар аксирганда, йўталганда осонликча ўтади. Агар организм чиниққан бўлса, бу касаллик юқмайди.

Гриппнинг бир неча турдаги вируслари мавжуд. Улар A1,A2,A3,B ва C билан белгиланади. Грипп вирусининг бир тури билан касалланган бемор унинг иккинчи тури билан ҳам касалланиши мумкин. Касалликнинг белгилари кўпчиликка маълум. Бемор тана ҳарорати кўтарилади, боши оғрийди, бутун аъзои бадани қақшайди, йўтал пайдо бўлади. Гриппнинг енгил тури билан оғриган беморлар касалликни кўп миқдорда тарқатувчи бўладилар, чунки улар касални кўпинча «оёқ»да ўтказадилар.

Грипп кўпинча ўткир бошланади. Соппа-соғ одам бир неча соат ичида оғир беморга айланиши мумкин. Биринчи ва иккинчи куннинг охирига келиб катарал белгилар пайдо бўлади, яъни томоқни қуриши ва қичиши, буруннинг битиши, йўтал ва аксириш кучая боради. Баъзан юқоридаги белгилар эмас, бошқа яъни, бемор юзининг қизариши, бироз шишинқираган бўлиши, юрак қон томирлари системаси ишининг сусайиши, қон босимининг пасайишига ўхшаш ҳоллар кузатилади. Ўпка, нафас олиш системасидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади, яъни трахеит, бронхит, ўпка шамоллаши ва бошқалар.

Гриппнинг асоратлари жуда хавфли бўлиб, улар ўпканинг яллиғланиши (зотилжам), ўрта қулоқнинг яллиғланиши, юракда (миокард) ва буйракда (пелонефрит)дир. Бундан ташқари грипп кишилардаги сурункали (хроник) касалликларни — ревматизм, туберкулёз, қандли диабет ва бошқаларни кучайтириб юборади. Турли хил эмлашлар организмнинг гриппга қарши курашиш қобилиятини оширади. Гриппга қарши вакцина бурун орқали нафас йўлларига юборилади.

Бу касаллик билан оғриган бемор врач назоратида бўлиши шарт. У алоҳида хонага ётқизилади, бунинг иложи бўлмаса, унинг ётоқ жойи чойшаб билан тўсиб қўйилади. Унга алоҳида идиш-товоқ тутилади. Беморга терлатадиган ичимликлар бериш лозим. Беморга дори-дармонни, албатта, врач маслаҳати билан бериш керак.

Бемор поликлиникага бормасдан, врачни уйга чақириши лозим. У аксирганда ва йўталганда, албатта, оғиз-бурунни рўмолча билан беркитиб туриши, уни парвариш қилаётган киши оғиз-бурнига тўрт қаватли дока тақиб олиши зарур.

Беморнинг хонаси кунига 2-3 марта совун ва содали сувда ёки 0,5 % хлорамин эритмаси билан артилиши керак.

Мактабларда, болалар муассасаларида грипп тарқалишига қарши кескин чоралар кўриш шарт. Болалар организми ҳали кучга кирмаганлиги учун касаллик тарқалиши, юқиши жуда юқори бўлади. Болаларда грипп касаллигининг белгилари пайдо бўлса уларни мактабларга, болалар боғчаларига юбормаслик керак. Ўқув муассасаларида озодаликка катта аҳамият бериш ҳам касалликни олдини олиш усулларидан бири ҳисобланади.

Беморлар атрофдаги кишиларга касаллик тарқалмаслиги учун барча эҳтиёт чораларни кўришлари лозим.

Азиз ўқувчилар, мана сиз мутахассис маслаҳати билан танишдингиз. Ҳамманинг соғлиғи ўз қўлида. Агар юқоридаги тавсияларга амал қилинса, касаллик тарқалиши камаяди. Биз сизларга омонлик тилаймиз!

**Шарифа МУРОДЖОН қизи суҳбатлашди**

# ҚАЛБИ БАҲОРГА ТЎЛИҚ!..

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар доимо халқ орасида юриб, инсонларга қувонч, шодлик, мадад ва имкон улашиб юрадилар. Уларни Оллоҳ фақат яхши тилаклар, инсоний туйғулар ила одамлар орасида юришларини белгилаб қўйган. Улар халқисиз, ёру дўстларисиз тура олмайдилар, яшай олмайдилар. Улар қалби фақат яхшилик «чечак»лари билан тўлиқдир. Шундай инсонлардан бири Одилжон ака Холматовдир.

Одилжон ака асли Фарғонанинг сўлим ва жаннатмакон «Суфон» қишлоғидан. Марғилоннинг «Болтакўл» қишлоғидаги 6-мактабда ёшлар етакчиси вазифасида ўзининг педагогик фаолиятини бошлади. У шу даврда билим сирларини пухта эгаллаш, ўз билимини бойитиш устида кўп ишлади ва Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа ва тарих факультетини имтиёзли суръатда тамомлади. Институтни тамомлагач, 1968-1973 йиллар давомида Республика касаба уюшмалари қўмитаси қошидаги бадиий ҳаваскорлар уйида бош услубчи вазифасида иш фаолиятини давом эттирди. Бу ерда ҳам Одилжон ака Холматов самарали ишларни амалга оширди.

Одилжон ака 1973 йилда Маориф вазирлигининг олий ва ўрта махсус педагогик билим юртлари методика кабинети сектор мудирлиги вазифасига қабул қилинди. Тиниб-тинчимас фидойи инсон маданий-маърифий ишларни жонлантирди. Жумладан, ўқувчилар ва талабаларнинг Республика бадиий ҳаваскорлик тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этди. Ҳозирда у кишининг кўплаб шогирдлари мамлакатимизнинг таниқли ва машҳур хонандаларига айланган.

Одилжон ака Холматовнинг хизматлари муносиб тақдирланган. «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ва вазирликнинг кўплаб фахрий ёрлиқлари бунинг далилидир.

Одилжон ака айни кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг иш юритиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Олтмиш ёшни қоралаётган Одилжон ака барчага баробар яхшилик қилиб келади, барчанинг кайфиятини кўтаради, хизматдошларининг иш омили ошишига ўз ҳиссасини қўшади. Чунки, у инсон барчага ўзининг беғараз ҳазил-мутойибаси, кўнгил кўтарувчи сўзлари, самимий ёрдамлари, қолаверса, баҳорий қалби билан жуда ҳам яқин бўлиб қолган.

**А.ШОКИРОВ**

### А. Авлоний номидаги ХТХМОМИда 1999 йилнинг март ойида режалаштирилган малака ошириш курсларининг жадвали

| Тоифалар | Қайси тилда | Курс ўтказиш вақти |
|---|---|---|
| 1. Ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган мактаб директорлари | қоз | 9-27 |
| 2. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича) | ўзб | 1-27 |
| 3. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассис лиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича) | ўзб | 1-27 |
| 4. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги математика бўйича) | ўзб | 1-27 |
| 5. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги рус тили ва хорижий тиллар бўйича) | ўзб | 1-27 |
| 6. Туман (шаҳар) ХТБ мудир муовинлари курси | ўзб | 15-27 |
| 7. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (Наманганда) | ўзб | 9-13 |
| 8. ВПХМОИ ларнинг Педагогика ва Психология кафедра ва кабинет мудирлари курси | ўзб | 1-13 |
| 9. Умумий ўрта таълим мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйлари директорлари курси | ўзб | 1-27 |
| 10. Ўқувчилар техник ижодиёт маркази директор ўринбосарлари курси | ўзб | 15-27 |
| 11. ЧЁТ раҳбарлари | ўзб | 15-27 |
| 12. Ташҳис маркази психологлари | ўзб | 1-13 |
| 13. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари курси | ўзб | 1-27 |
| 14. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг жисмоний тарбия ва ритмика ўқитувчилари курси | ўзб | 15-27 |
| 15. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг табиётшунос ва география ўқитувчилари | ўзб | 1-13 |
| 16. Оз комплектли мактаб раҳбарлари | ўзб | 1-13 |
| 17. Кураш бўйича тренерлар курси | ўзб | 15-27 |

**Марказий институт манзили: Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.**

**Транспорт: Темур йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг охирги бекатигача.**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.***

**Бош муҳаррир**
**Ҳалим САИДОВ**

***Таҳрир ҳайъати*: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

**Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.**

**Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Рустам БОЙМАТОВ**

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0106. Тиражи 56.495. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.**

***«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.***

**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй**

**Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.**